

№ 12 (2581) - son



Insonga naf keltirish - olyy bax!

Ishonch

2009-yil

P	I	Sh	Ya	D	S	Ch	P	I	Sh	Ya	D	S	Ch	P	I	Sh	Ya	D	S	Ch	P	I	Sh	Ya	D	S	Ch	P	I	Sh
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	

Yanvar


Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Гулмисиз,
райхонмисиз,
жамбилмисиз?..**



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Анонс




**Ойдин йўл
манзили**

3-бет



**Пластик карточка:
Имкониятми,
мажбурият?**

5-бет



**НУЖМИ ёхуд
шульалар
ўйини?..**

11-бет

© Ҳасанов Ҳасан Абдуллаев (Хабиб)
 Ойргани сабаби

 IRAN

**«Ўзбек спортчиларига 2012
иили Лондонда ўтадиган ёзги
олимпия ўйинларида
муваффақият тилайман»
дейди икки карра
олимпиада чемпиони
Хусайн Ризозода**

14-бет

Күпприлар дунёни англаш воситасидир. Нариги соҳил доим ўзига тортади. Айтишади-ку, қаерда сен ўйқ бўлсанг, ўша ер яхши тюловеради. Бугун кўпприлар дунёни англаш воситасидан вақтни тежаш, фойда олиш воситаси ҳамда йўлларнинг бир қисмига айланган.

АКАШИ-КАЙКИО, Япония: дунё бўйича устунлари оралиги энг катта бўлган осма кўпприлар. Устунлар оралиги 1991 метр бўлган осма кўпприл Аварзи ва Хонсю ороларини бирлаштириб турди. Унгача оролдан оролга паром орқали ўтилади. Бирок 1955 йилда паром кучли тўфон натижасида ағдарилиб, 150 кишининг умрига зомин бўлди. Уларнинг аксарияти ёш болалар эди. Шундан сўнг осма кўпприл куриш ишлари бошлаб юборилди.

12 йил давом этган курилишга жами 5 млрд. доллар сарфланиб, курилиш ишлари 1997 йилда ортиги билан адо этилди.

Харажатларни қоплаш мақсадида кўппридан ўтиш пулли қилиб қўйилди. Кўпприкнинг бир томонига ўтиш 2300 иен ёки 20 доллар этиб белгиланди. Кизиги, хозир ҳам пулни тежаш мақсадида аксарият ҳайдовчилар ҳаки анча арzon бўлган эски паромдан фойдаланишмоқда.

Кўпприкнинг умумий узунлиги 3911, баландлиги 65 метр бўлиб, автомобиллар олти қатор бўйича ҳаракат қиласди.



КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР кўпраги (Канада). Муз билан қопланган сув устидан ўтказилган дунёдаги энг узун кўпприлардан бири. XIX асрнинг иккинчи ярмида Шаҳзода Эдуард ороли конфедерацияга кўшилгач, федерал ҳукумат оролликларга кўпприк куриши вайда килди. Бирок у 1997 йили, орадан 124 йил ўтгач амалга ошиди. Унгача маҳаллий аҳоли чанги, чана ва қайикдан, 1917 йилдан бошлаб эса паромдан фойдаланиб келган.

Узунлиги 12,9 км. бўлган кўпракни куриш учун ҳукумат Канаданинг «Strait Crossing Bridge Ltd. (SCBL)» консорциуми билан битим тузди. Курилиш учун 1 млрд. доллар сарфлаган SCBL ҳукуматдан 44 млн. доллар миқдорида субсидия олди ҳамда кўпприкка 2032 йилгача хизмат кўрсатиш ҳукуқини кўлга киритди. Бу муддат ичда SCBL йўлдан фойдаланиш ҳакини ўзи белгилайди.

Бу маблағнинг бир қисми паром қатнови бекор қилиниши муносабати билан «Marine Atlantic» компанияси кўрадиган зарарни қоплашга йўналтирилади.

Кўпприкни томоша қилиш учун йилига 1 млн. дан ортиқ турист ташриф буоради. Ундан фойдаланиш учун ҳак факат оролдан келувчилардан ундирилади: автомобиллар учун 40,5, мототранспорт учун эса 16,25 Канада доллари.

МИЮ кўпраги. Франция. Дунёдаги энг баланд осма кўпрак.


Уни француз инженерлари англиялик меъмор Норман Фостер билан ҳамкорликда куришган.

Ердан энг баланд нуктаси 343 метр бўлиб, Эйфел минорасидан баланд, Эмпайр стейт билдингдан 38 метр паст. Кўпрак 2004 йилнинг декабрида очилган. Унинг шарофати билан парижликлар пойттахтдан ўртаер денгизи ва Испанияга ўз машиналарида арzonгаровга етиб оладиган бўлишиди. Кўпприкнинг эни 32 метр бўлиб, ундан суткасига 10 мингдан 25 мингтacha автомобил ўтади.



дан Хиндистонга дengiz йўли очганлигинг 500 йиллигига бағишилаб ишга туширилган. Автомобиллар олти қаторли йўлда қатнаиди. Агар уларнинг сони 52 мингдан ошса, йўлаклар сони олтитадан саккизтага етказилади. Энг чукур таянч устуни 95 метр сув остида хойлашган.

Кўпракни лойиҳалаштиришга 18 ой, куришга ҳам шунча вақт кетган. Курилишда 3300 киши ишлаган. Кўпприкнинг эксплуатация мuddати 120 йил. У соатига 250 км. тезликдаги шамолга, Лиссабонда кайд этилган энг кучли – 8,7 балли зилзиладан 4,5 баробар кучли ер силкинишига дош бера олади. Кўпракдан ўтиш ҳаки 2,15 евро бўлиб, факат кўпракнинг шимолий томонидан келаётганлардан ундирилади.



РИО-АНТИРИО кўпраги (Греция). Дунёдаги энг узун осма кўпрак хисобланади. У Рио ва Антирио шаҳарларини боғлаб, узунлиги 2882 метрни ташкил этади. Кўпракнинг расмий номи ўтган асрдаёқ кўпрак курилиши зарурлигини таъкидлаган бош вазир шарафига «Харилаос Трикоупис» деб аталади. Аммо ўшанда бунинг учун маблағ ҳам, техника ҳам йўқ, эди.


Кўпракни 2004 йилги Афина олимпиадаси очилишидан бир ҳафта олдин фойдаланишга топшириш учун 630 млн. евро талаб қилинади. Ушбу маблағ масаласида Евроиттифоқ қарашиб юборди. Биринчи бўлиб ундан олимпия машъаласини кўттарган спортилар ўтишиди. Эртасига ёк автомобиллардан 10,5 евро, мотоцикллардан 1,7 евро ҳак олинадиган бўлди.

Кўпрак мукаммал инженерлик лойиҳаси сифатида баҳолана-ди, чунки бу жойда чукурлик 65 метрни ташкил этиб, кўпрак учун шундай материаллар ишлатилиши, у ҳар қандай сейсмик фаолликка, цунамига ва ҳар қандай дengиз ҳодисаларига дош бера олиши керак эди.



ПОНТЧАРТРЕЙН (АҚШ) кўли орқали ўтвич тўғон кўпрак. Уни дунёдаги энг узун кўпрак деб аташади. Бирок бу унчалик тўғри эмас. Сабаби унинг узунлиги иккита параллел жойлашган кўпраклар узунлигининг йигиндисидан келиб чиқади. Умумий узунлик рекорд даражада – 38,42 км. Мазкур кўпрак 1956 йилда очилган бўлиб, лойиҳа 30,7 млн. долларга тушган. 1969 йили уни қайта куришга яна 26 млн. доллар сарфланиди.

Кўпракдан ўтиш учун ҳак факат шимолий соҳилдан келишда ундирилиб, 3 долларни ташкил этади. Бир кунда ундан 40 минг автомобиль ўтади. Кизиги шуки, кўпракни 9000 та бетон қозик ушлаб туради.



ЛУПУ кўпраги (Хитой). Дунёдаги энг узун ёйсимон кўпраклариди. Буном Шанхайнинг Лован ва Пудун районларининг қисқартмасидан келиб чиқиб, кўпрак уларни бирлаштиради.

Аввал кўпрак курилиши маҳаллий аҳолининг кескин каршилигига учради. Мазкур туманда шундок ҳам ўтиш жойлари етарли эди. Колаверса, лойиҳа анча киммат – 302 млн. долларга баҳоланганди. Аммо курилиш ниҳоясига етгач, кўпрак жудаям чиройли чиқди. 2003 йил 28 йиўлда ишга туширилган.

Ш.ЖАҲОНГИРОВ тайёрлади

Дунёнинг ЭНГ Машхур Кўприклари



Гапларингиз ростми?


Британиялик психолог Айден Грэг «Тага» номли тестлар системасини ихтиро қилди. Мазкур тест шу чоққача мавжуд бўлган ёлғон детекторининг ўринини эгаллаши мумкин.

Олимнинг таъкидлашича, ҳақиқатни инсоннинг жавоб беришга кетган вақтига қараб аниқлаш мумкин. Унинг ҳисоб-китобича, рост жавоб тўқима жавобга қараганда 30 фоиз вақтни тежар экан.

Олим компютер экранидан пайдо бўлувчи тез жавоб бериладиган тест саволлари билан бир неча кишини синаб кўрди. Маълум бўлдики, 85 фоиз ҳолатда ёлғон гапираётгандар компютер клавиатурасини секин босишиди. Ёлғон сўзлаётган киши бунинг учун тахминан 1,8 секунд вақт сарфлаган. Ҳақиқатни айтганида эса ушбу миқдор 1,2 секундни ташкил этган.

Олимнинг умид килишича, агар Буюкбритания ички ишлар вазирлиги маблағ ажратса, шу йилнинг охиригача ўз ихтиросини реал шароитда синааб кўриш имкониятига эга бўлади. Унинг гапига қараганда, кейинги пайтда жиноятчиларнинг рост гапидан ёлғонини ажратиш жуда қийин бўлмоқда. Бунинг устига ҳақиқатни аниқлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилмаган.

Хозирги вақтда Буюкбритания судларидан ёлғон детектори ёрдамида олинган маълумотлар далил-исбот сифатида қабул килинмайди.



Чилта ни қаердан олдингиз?

AFP агентлигининг хабар беришича, Америка киноакадемияси «Оскар» мукофоти тақдимотига бағишиланган маросим учун чиқарилган чипталарни ноқонуний тарқатиш билан шуғулланган компанияни судга берди.

«Experiance 6» компанияси 175 минг долларлик чипталарни сотишини режалаштирган эди. Компания мутасаддилари чипталарни қаердан олишганини айтишдан бош тортган.

Чипталарнинг қимматлигига сабаб шуки, улар маълум бир шахс номига расмийлаштирилган бўлиб, бошқа шахсга бериш мумкин эмас.

Маълумки, маросим чипталарининг асосий қисми таклифнома сифатида машхур кишиларга тарқатилади. Оддий томошибинларнинг аксарияти эса маросимда катнашиш хукуқини лотерея ўйини оркали кўлга киритади. Лотереяда 20 мингдан зиёд киши иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз, «Оскар» мукофотини топшириш маросими 22 феврал куни бўлиб ўтади.

Тўқайга ўт кетса...

Дунёдаги кўплаб давлатлар қатори Германия ҳам катта иқтисодий бўхронни бошдан кечирмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, иқтисодий ривожланиш бўйича Европада мутасил биринчи ўринни эгаллаб келган ушбу мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2008 йилда 2,25 фоизга камайган.

Хабарларга қараганда, Германиянинг иқтисодий ўсиши асосан экспортдан олинадиган даромадга боғлик. Хорижий давлатларда истеъмолчиларнинг маҳсулотларга бўлган талаби камайгани мамлакатдаги ишлаб ҷиқариш ва савдо ҳажмининг кескин пасайишига сабаб бўлган. Тахлилларга кўра, Германияда экспорт ҳажми тўқиз фоизгача тушиши мумкин.

Пулда рассом сурати

Жанубий Кореяда 2009 йилнинг июн ойидан бошлаб қиймати 50 минг вон (36 доллар)га teng янги купюралар муоммалаға киритилади. Уларда мамлакат тарихида биринчи марта аёлларнинг сурати туширилган.

Янги банкнотда кореялик рассом Син Саймданг (1504-1551)нинг қиёфаси акс этади.

Корея марказий банкининг таъкидлашича, янги банкнотнинг соҳталаштиришдан химояланиш даражаси юкори бўлади. Яқин кунларда хукуматнинг сўровига кўра 100 минг вонлик (71,8 доллар) купюралари ҳам чоп этилиши кутилмоқда.



NOMURA



Японларнинг хатоси

Япониянинг йирик брокерлик компанияларидан бўлган «Nomura» 2008 — 2009-мolia йилининг учинчи чорагида каттагина маблағ йўқотганини эълон қилди. Кайд этилган даврда компаниянинг умумий йўқотиши 342,9 млрд. иен (3,8 млрд. доллар)ни ташкил этган.

Япон молия ташкилотининг йўқотиши биринчи галда банк секторига салбий таъсир кўрсатган дунё молиявий инқизогигагина боғлик эмас. Жумладан, компания 2008 йилининг сентябрида Американинг банкротта учраган «Lehman Brothers» инвестиция банкининг учта бўлинмасини сотиб олиши муносабати билан 2 млрд. долларга яқин маблағидан ажралди. Келишувнинг умумий суммаси маълум эмас. Бирор шуниси аниқи, «Lehman Brothers»нинг биргина Осиё-Тинч океани бўлинмасини сотиб олиш японларга 225 млн. долларга тушган.

Бари бўрон туфайли

АҚШнинг Оклахома штатида рўй берадиган кучли бўрон оқибатида минглаб одамлар электр энергиясиз қолди. Хабарларга қараганда, тинимсиз ёғин гарчилик туфайли йўлларда транспорт ҳаракати тўхтаган. Таълим мусассалари, идора ва ташкилотлар вақтинча ишламаяпти. Аэропортларда рейслар бекор қилинган.

Ер музлагани сабабли автомобил ҳалокатлари кўпаймоқда. Айни вақтда мамлакатнинг қатор штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Кино кўриб даволанинг

Мехикодаги касалхоналарнинг бирода жарроҳлик вақтида беморларни тинчлантирувчи янги усулни кўллаш иўлга кўйилди.

Маълумотларга қараганда, бу усул фақат танасининг мурзин жойига наркоз олган беморда кўлланади. Операция вақтида унинг хошишига қараб турли фильмлар намойиш этилади. Масалан, яшил майса зорда сайр килиш, океан соҳилларда дам олиш ёки кинотага парвоз қилиш каби виртуал анестезия таклиф этилади. Бунинг учун беморга махсус кўзойнак тақиб кўйилади.

Врачларнинг айтишича, бундай усул жарроҳлик пайдида беморларни тинчлантириш ва оғриқ хиссани камайтиришга ёрдам беради.



Мобил телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида турадиган «Nokia» компаниясининг молиявий ахволи тобора ёмонлашмоқда.

Телефонсиз ҳам кун ўтади(ми?)

Экспертларнинг сўзларига кўра, бунинг боиси жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқизоруз туфайли одамлар қимматбаҳо буюнлар, жумладан, мобил телефонларни ҳам харид қилимай қўйганида.

Компания вакилларининг таъкидлашича, жорий йилда мазкур корхонанинг савдоси ўн фоизга камайиши мумкин. Айни дамда «Nokia» раҳбарияти иқтисодий танглики бартараф этиш чораларини изламоқда.

